



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 29.09.2022 г. № №27

между ООО "NUKUS DAVR QURILISH" и Ажнийёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти на общую сумму 976912566,00

Глава 079  
Казначейский лицевой счёт 400910860354017094100079001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4332900			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	976 912 566,00			976 912 566,00
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>976 912 566,00</b>			<b>976 912 566,00</b>

Всего 976912566,00 сум

Девятьсот семьдесят шесть миллионов девятьсот двенадцать тысяч  
пятьсот шестьдесят шесть сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 293073769,80 сум или 30,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.


(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



  
Отемуратов Байрамбай Пердебаевич  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

  
Асанбаев Куанышбай Жангабаевич  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_  
(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_  
(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 9

Нукус шаҳри

«29» сентябрь 2022 йил

Нукус давлат педагогика институти биринчи томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан институт ректори **Б.Отемуратов** ва «NUKUS DAVR QURILISH» МЧЖ иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан директори **К.Давкараев**, «Нукус давлат педагогика институтининг Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй манзилидаги 6-сонли ўқув биноси худудидаги чегара тўсиқлари (забор), ободонлаштириш ва қаровул хонасини капитал таъмирлаш», объектига доир мазкур пудрат шартномасини куйидагиларга асосан туздилар.

### I.Тарифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

- ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан ўларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қойдаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;
- Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси, объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан, шу жумладан объект атрофини тусиқлар билан қуршаб куйиши шарт;
- Вақтинчалиқ иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалиқ бинолар ва иншоотлар;
- Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалиқ бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари кийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан «Нукус давлат педагогика институтининг Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй манзилидаги 6-сонли ўқув биноси худудидаги чегара тўсиқлари (забор), ободонлаштириш ва қаровул хонасини капитал таъмирлаш» объектида лойихада кузда тутилган қурилиш ишларини бажариб, жиҳозларни ўрнатиб, фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига, қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома буйича ишлар киймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар ҚР ВКнинг 10.07.2021 йилги №04-08/7-07/349-сонли баеннамасига асос тасдиқланган ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан ҚҚС билан) «Нукус давлат педагогика институтининг Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй манзилидаги 6-сонли ўқув биноси худудидаги чегара тўсиқлари (забор), ободонлаштириш ва қаровул хонасини капитал таъмирлаш» объекти жами **976 912 566,00** (тўққиз юз етмиш олти миллион тўққиз ўн икки минг беш юз олти миш олти) сўмни ташкил этади. (Пудратчи ҚҚС туловчиси) ҚҚС 127 423 378 сум 17 тийин (бир юз йигирма етти миллион тўрт юз йигирма уч минг уч юз етмиш

саккиз сум 17 тийин) Шундан 2022 йил манзилли дастурига асосан 976 912 566,00 (тўққиз юз етмиш олти миллион тўққиз ўн икки минг беш юз олти миш олти) сўм молиялаштирилади.

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортққа ўзгартирилганда.

6. Қурилиш муддати бир йилдан ортқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари.**

8. Мазкур шартнома буйнча Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ишроат нархдаги ишларни энг қамида 20 фойзини ўзининг қучи ва (ёки) жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдониға зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етқазиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборға жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик ишроотлар қуриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйнча зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чироқларини ўрнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссиқ овқат билан таъминлаш;

- қурилиш таваққалчиликларини суғурта қилиш;

- мазкур шартнома буйнча объектни фойдаланишға қабул қилиб олиш туғрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- қурилиш майдонини қуриқлашни таъминлаш;

- Пудратчи объектнинг муҳандислик тармоқлари буйнча тузилган шартнома бекор қилинганлиги туғрисида маълумотномани Буюртмачига тақдим этиш.

- Агарда таъкилот раҳбари, бухгалтер шу жумладан, ҳисоб-рақамлар, юридик ва почта манзиллари ҳамда телефон рақамлари ўзгарган тақдирда «буюртмачи»ға бу ҳақда 3 қун муддатда ёзма аҳборот бериш.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофиқ, ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар туғрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим, аке ҳолда ҳисобот ойида 2-иловаға кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0.5 фойзи, ҳар бир утқан қун учун кечиктирилган сумманинг 50 фойзидан ошмаган ҳолда Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартнома шартларин кетма-кет икки мартоба бузганда (икки тарапнинг келишими билан) шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз хоҳиши билан ўзгартирган тағдирда, Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди. (*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 670-моддаси*)

11. Пудратчи қурилиш объектларида ўз ҳисобидан видео кўзатув усканларини ўрнатиб ва ушбу видео кўзатув камераси онлайн режимда ишлашини ўз зиммасига олиб, Буюртмачининг электрон почтасига (iksezsmrk@mail.ru) ўланиши лозим.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

12. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- лойиҳа-смета ҳужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўyxатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

13. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойининг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботини топширилмаса, Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишлари билан боғлиқ харажатларни молиялаштирамайди, яъни ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ўз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати 30 кунни ташкил этиб, объект қурилиш ишларини 2022 йил октябрь ойининг 21 кунига якунлаш белгиланган.

16. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар**

17. Шартномада миқллий валюта (сўмда) ўзвара ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади.

18. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорда, дастлабки улушларга (ойига 15%) аванс ўтказди. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан 1 млрд сўмгача бўлган қурилиш объектларига аванс бирданига 30% тўлов амалга оширилади) топширилган иш ҳажми тўлиқ бажарилгандан сўнг, қолган 65% маблағ тўлаб берилади.

19. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

20. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача тўлов амалга оширилади. Мазкур шартномада

белгиланган объектнинг 5% лик маблагини бир йиллик кафолат муддати тамом бўлгандан кейин, тегишли ҳужжатлар такдим қилингандан сўнг амалга оширилади.

21. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

22. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларини шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда, ҳар қандай вазиятда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш**

23. Пудратчи 10 (ун) кун муддат ишида қурилиш ишлари бошланишдан олдин лойиҳа-смета ҳужжатлари буйича Буюртмачига ёзма равишда рекламация бериши лозим. Белгиланган муддатка лойиҳодан аниқланган хото-камчиликлар берилмаса, Буюртмачи лойиҳадаги камчиликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни таъинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида юзага келган масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бандида қўрилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва ўнга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

29. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

30. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома беради бир вақтда Пудратчи ортқича тупроқ ва қурилиш аҳлатини жойлаштиришни ўз зиммасига олади.

31. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

32. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

33. Пудратчи геодезия ишларида уриштиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойланиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома буйича Буюртмачига беради.

34. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга

оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

35. Пудратчи узи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида қурсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

36. Алтоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишнадзорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

37. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишнадзорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

38. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

39. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг қурсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

40. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлари билан ва қурилиш кийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

41. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини чиқариб ташлайди.

42. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар туғаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтариини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар қурсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиш туғрисидаги маълумотлар, шунингдек, қурилишни туғаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда қурсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни қуриклаш.**

43. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш туғаллангунгача ва қурилиш туғалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қурикланишини таъминлайди.

44. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.**

45. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулиқ бажарилмаслиги табиат ҳолисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

46. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан кўп вақтга қузидса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

47. Агар томонлар 2 ой ичида келиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш.**

48. Қурилиш тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

49. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги туғрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи қурилиш тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

50. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

51. Иншоатни ШНК 3.01.04-04 асосида давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин, объект эгаси мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар.**

52. Пудратчи: барча ишлар тулиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини: лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида қурсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни; объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

53. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш туғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

54. Объектнинг кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

55. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида нуқсонлар ва камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермаса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада

кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат сўммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

56. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш.**

57. Буюртмачи: шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан I ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда; Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; пудрат шартнома шартларини кетма-кет икки маротаба бузганда (икки томоннинг келишуви билан) шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида кўриб чиқилади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

58. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

59. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

60. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

61. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

62. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно - Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни захирада турган кейинги Пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.**

63. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон; иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди: Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси туғрисида» ги Узбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

64. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

65. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сўмманинг 0,5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

66. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги



лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофиқ объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тулаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

67. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

68. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

69. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

70. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Нуқс туманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар.**

